



ЎзДЖТУ хузуридаги
РИАИМ

Ўқув-услубий
мажмуа

Таржима назарияси ва
амалиёти (тиллар бўйича)
Йўналиши тингловчилари
учун

2021

Таржима назарияси ва амалиёти
(тиллар бўйича)

3.1. Таржимани ўқитиш дидактикаси

Ўқув-услубий
мажмуа

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7” декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

ЎзДЖТУ ўқитувчиси

Э.Т.Имомов

ЎзДЖТУ ўқитувчиси

К.Т.Алимова

Тақризчи:

Х.Б.Самигова

Ўқув-услубий мажмуа ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ Илмий- методик Кенгашининг 2020 йил 25 декабрдаги 10 - сонли қарори билан тасдиқка тавсия қилинган.

М У Н Д А Р И Ж А

I.	ИШЧИ ДАСТУРИ.....	3
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.....	28
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.....	48
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	103
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	106
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	112

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни маҳсус матнлар таржимаси назариясига оид фундаментал билимларнинг асослари, маҳсус матнларни таржима қилишдаги муаммолар, матн ва услубий хусусиятлари, матн ва унинг категорияси, турли услугба оид

матнлар, турли услубдаги матнларнинг хусусиятлари, матн турлари ва жанрларини функционал жиҳатдан фарқлаш, матнлар таржимасида кўлланадиган усуллар бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимотни такомиллаштиришда компаративистика, яъни қиёслашга асосланган методологиядан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг талабига айланди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Таржимани ўқитиши дидактикаси” модулининг мақсади:

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига таржима қилиш ва ўқитишининг замонавий тенденциялари, таржимани ўқитиши методикаси борасидаги билимларини такомиллаштиришдан иборат.

“Таржимани ўқитиши дидактикаси” модулининг вазифалари:

Тингловчи:

- таржима қилишнинг замонавий тенденциялари;
- таржимон тайёрлашда шахс сифатида ва фаолиятли ёндашув тамоиллари;
- таржимон тайёрлашда ижтимоий ва дискурсив ёндашув тамоиллари;
- таржима стандартларининг меъёрий хужжатлари ва фойдали маълумотлар баъзаси;
- таржимоннинг асосий компетенцияларини шакллантириш;
- таржимоннинг професионал компетенцияларини шакллантириш;
- таржима амалиётида машқларни танлаш кўникмалари;

- таржимоннинг касбий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш ҳақида **билиши керак**.

Тингловчи:

- таржима қилиш ва ўқитишнинг замонавий тенденцияларини аниқлаш;
- бўлажак таржимонда шаклланиши лозим бўлган асосий касбий компетенцияларни тушуниш;
- Таржимоннинг лингвистик ва экстралингвистик компетенцияларни шакллантириш бўйича **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- Таржимон соҳаси бўйича халқаро стандартлар, таржима амалиётида самарали фойдаланиладиган таржима дастурлари, таржимон тайёрлашда қўлланадиган асосий техника ва машқлардан фойдаланиш, бўлажак таржимоннинг касбига нисбатан мотивацияни шакллантириш бўйича **малакаларини эгаллаши** лозим.

Тингловчи:

- меъёрий-хукуқий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- интерактив мултимедиа воситаларидан фойдаланиш;
- меъёрий-хукуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- ўзаро дарсларни кузатиш ва тажриба алмашиш;
- таълим жараёнида тадқиқот усулларидан фойдаланиш;
- тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билиш;
- чет тили таълимида баҳолашга оид қарорлар қабул қилиш
- медиасаводхонлик ва педагогик этика **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва
узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таржимашуносликда тадқиқотлар олиб боришининг тизимли ёндашувлари”, “Таржима технологияси”, “Таржима ва

маданият”, “Таржимада АКТ” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қиласи.

Модулнинг Олий таълимдаги ўрни

Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги ўқув жараёнларини ташкиллаштиришда, айнан ушбу ўқув модули катта аҳамият касб этади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустақил таълим	
		Ҳамаси	Аудитория ўқув юкламаси				
			Жами	Назарий жумладан	Амалий машғулот		
1.	Таржима қилишнинг замонавий тенденциялари	2		2			
2	Таржимон тайёрлашда шахс сифатида ва фаолиятли ёндашув тамойиллари	2		2			
3.	Таржимон тайёрлашда ижтимоий ва дискурсив ёндашув тамойиллари	2		2			
4	Таржима стандартларининг меъёрий хужжатлари ва фойдали маълумотлар базаси	2			2		
5	Таржимоннинг асосий компетенцияларини шакллантириш	2			2		
6	Таржимоннинг профессионал	2			2		

	компетенцияларини шакллантириш					
7	Таржима амалиётида машқларни танлаш кўникмалари	2			2	
8	Таржимоннинг касбий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш	2			2	
	Жами: 16 соат	16		6	10	

Назарий таълим соатлари мазмуни

1-мавзу: Таржима қилишнинг замонавий тенденциялари

«Таржимани ўқитиш дидактикаси» модулига кириш. Таржима тушунчасининг асосий моҳияти. Таржима қилишнинг замонавий тенденциялари. Таржима соҳасидаги сўнги янгиликлар.

2-мавзу: Таржимон тайёрлашда шахс сифатида ва фаолиятли ёндашув тамойиллари

Таржимон тайёрлашни ташкил этишнинг умумий тамойиллари. Таржимон тайёрлашда шахс сифатида ёндашув тамойили. Таржимон тайёрлашда фаолиятли ёндашув тамойили.

3-мавзу: Таржимон тайёрлашда ижтимоий ва дискурсив ёндашув тамойиллари

Таржимон тайёрлашда ижтимоий ёндашув тамойили. Таржимон тайёрлашда дискурсив ёндашув тамойили.

Амалий машғулотлар мазмуни

1-мавзу: Таржима стандартларининг меъёрий хужжатлари ва фойдали маълумотлар базаси

Таржимон компетенциясига қўйиладиган талаблар. Таржима матнини баҳоловчи халқаро стандартлар. Таржима жараёнида қўлланадиган асосий фойдали маълумотлар баъзаси ва сайвлар.

2-мавзу: Таржимоннинг асосий компетенцияларини шакллантириш

Компетенция ва таржимон компетенциясининг асосий моҳияти. Таржимоннинг лингвистик, прагматик, социолингвистик, дискурсив, ижтимоий-маданий, стратегик, технологик, ижтимоий компетенцияси.

3-мавзу: Таржимоннинг профессионал компетенцияларини шакллантириш

Таржимоннинг профессионал компетенциялари ва уларнинг таснифи. Коммуникатив, тил, таржимонлик, техник, шахсий компетенциялари.

4-мавзу: Таржима амалиётида машқларни танлаш кўнималари

Машқ турлари. Таржимага ўқитишида қўлланадиган машқлар. Машқларни танлаш кўнималари. Оғзаки таржиманинг тинглаш, мнемотехник, трансформациялаш, бир тилдан бошқа тилга ўтиш, нутқий механизмлар, суръат машқи кўникмаси.

5-мавзу: Таржимоннинг касбий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш

Таржимоннинг касбий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича услугий кўрсатмалар. Касбий компетенцияни шакллантиришнинг лингвистик ва экстравалингвистик омиллари.

Ўқитиш шакллари

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- ноанъанавий ўқитиш (интерактив, конференция, дебат);
- давра суҳбатлари (муҳокама этилаётган муаммо ва унинг ечими бўйича мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли рақамлар тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари,

мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшигтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Коммуникатив компетенция	Адабий асарлар ёзиладиган тил	
Тил компетенцияси	Тилимизга чет тиллардан кириб келган янги сўзлар	
Таржимонлик компетенцияси	Эскирган сўзлар, архаизмлар	
Шахсий	Қўпол сўзлар	

компетенция		
--------------------	--	--

“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такорглаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Муаллиф, ҳикоячи ва персонаж нутқини таҳлил қилинг ва ушбу жадвалга туширинг.

S	ихтисослик бўйича матнлар профессионал таржи-монлар гурухи қадрий ориентацияси ва менталитетига кириб бориш	ихтисослик бўйича матнлар таржимасида касбий шаън ва қадр қоидаларига риоя қилиш
W	таржима қилинаётган ахборот/маълумотнинг аниқ-лиги ва адекватлиги учун жавобгарлик, мукаммаллик ва мустақил ўқишига тайёрлик	фикрлаш: амалий, репродуктив, продуктив, мантиқий, таҳлилий-мантиқий, интуитив
O	таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишига ҳамда турли ҳил вазифаларни	тил бирликлари функциясининг тизимли қоидаларини билишгина эмас,

	бажаришга кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалар	балки нутқ малакаси даражасида тил материалини билиш, яъни муайян мазмунни ифодаловчи гапларни тўғри тузиш
T	Тўсиқлар (ташқи)	таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуу якунланади.

Тил шакллари					
Адабий тил		Бадиий тил		Халқ жонли тили	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиг и
Хуносаси:					

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш

кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда семинар машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуроса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: Таржимон халқлар ўртасида воситачи

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг

анализ ва синтезини турли аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзуу: ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Режа:

- 1.1. “Таржимани ўқитиши дидактикаси” модулига кириш
- 1.2. Таржима түшүнчесининг асосий моҳияти
- 1.3. Таржима қилишнинг замонавий тенденциялари

Таянч түшүнчалар: таржима, тенденция, таржимон тайёрлаш, таржимага ўқитиши, моҳият, мазмун, кўниқма, малака.

1.1. Таржимани ўқитиши дидактикаси модулига кириш

“Таржима ўқитиши дидактикаси” модули бугунги кунда таржимон тайёрлашнинг энг актуал аспектларидан ҳисобланади. Таржима ва таржимага ўқитишининг ўзига хос талаблари мавжуд. Бўлажак таржимонларда таржимага доир фундаментал билимларни ўқитиши билан биргаликда уларнинг лингвистик ва экстралингвистик билимларини ҳам шакллантириш ҳозирги кунда таржимон тайёрлаш соҳасининг бош вазифаси сифатида қаралади.

Бугунги кунда таржима қилиш ва ўқитиши бўйича кўплаб янгиликлар ва тенденциялар пайдо бўлмоқда. Бу модул орқали тингловчилар таржима қилиш ва ўқитишининг янги технологиялари, таржима бўйича халқаро стандартлар, дастурлар кабиларни ўрганиш мумкин бўлади.

XXI аср фан ва технология асри ҳам таржимага бевосита таъсир ўткади. Бугунги кунга келиб, таржимонлар ишини осонлаштиришга ҳизмат қиласиган соҳавий лугатлар билан биргаликда таржима дастурлари ҳам пайдо бўлдики, бу дастурлар таржима амалиётини осонлаштришга сабаб бўлмоқда.

Таржима нутқий фикрлаш фаолиятининг маҳсус билим, маҳорат талаб қиласиган ва сезиларли даражада интуитив равишда кечадиган жуда

мураккаб тури ҳисобланади. Узоқ вақт давомида таржимани ўқитиш усуларини яратиш шарт эмас, таржимон бўлишнинг, бу касбни “ичдан” билишнинг ўзи етарли, шунда бемалол талабаларга мазкур фаолият турини ўқитавериш мумкин, деб ҳисоблаб келинган. Сўнгги икки аср алмашинуви даврида муайян йўналишга ихтисослашган корхона, муассаса ва фирмалар таржимонларга кучли эҳтиёж сеза бошлаган пайтда таржима соҳаси изланувчилари ўқитишнинг методик усуларини ишлаб чиқиши зарурлигини англаб етишди ва натижада таржима дидактикаси бўйича бир қатор қизиқарли ишлар пайдо бўлди.

1.2. Таржима тушунчасининг асосий моҳияти

А. Рожонинг фикрига кўра, “икки тил ўртасидаги таржима жараёни таржимон томонидан бирор аслият тилидаги ёзма матнни таржима тилидаги ёзма матнга, бирор аслият тилидаги оғзаки матнни бошқа таржима тилидаги оғзаки матнга ўзгартиришдир”¹. П.Ньюмаркнинг талқинига кўра “камдан-кам ҳолатларда, таржима - бирор матн маъносини бошқа тилга муаллиф назарда тутган йўл билан ўгиришдир”². Бу билан П.Ньюмарк таржима жараёнида муаллиф аслият мухитини таржима тилига олиб ўтишда муаллиф эътироф этган фикрлардан ташқари ўз фикрларини ҳам қўллаши мумкин эканлигига эътибор қаратмоқда. Чунки, бир миллатнинг фақат ўзигагина хос бўлган тушунчаларни ўзга тилда яратишда таржимон таржима тили вакилларида мавжуд бўлмаган тушунчаларни турли изоҳлар билан ҳам билдириб ўтиши мумкин.

М.Снел-Хорнби эса, таржимага “бир тилда ифодаланган нарсани ўгириш ёки ўша тилнинг белгиларини жойлаштириш жараёни ёхуд ҳаракати”³ деб таъриф беради. Ж.Катфорднинг фикрича эса “таржима бир тилдаги матн материалиини бошқа тилдаги матн материалининг эквиваленти билан

¹ Rojo A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. – Peter Lang, 2009. – P.25

² Newmark P. A Textbook of Translation. – London : Prentice Hall, 1988/1995. – P.5.

³ Snell-Hornby M. Translation Studies: An Integrated Approach. – Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1988/1995. – P.39.

алмаштиришдир”⁴. Р.Беллнинг таъкидлашича “таржима аслият тилида ифодаланган нарсанинг семантик ва стилистик эквивалентлигини сақлаган ҳолда таржима тилида ифодалашдир”⁵. Е.Найда ва С.Табер “таржима манба тилидаги маълумотни, биринчидан, маъно терминлари, иккинчидан, услуг терминлари жиҳатидан энг яқин эквивалентини таржима тилида қайта яратишдан иборат,”⁶ жараён деб ҳисоблайди. Демак, таржима жараёнида биз аслият ва таржима тилларининг синтактика, семантика, стилистика, прагматика ва лингвоқультурологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тилларнинг эквивалентлигига эътибор қаратишимииз керак бўлади.

Кўплаб тилишунос ва таржимашунос олимлар таржимани таснифлашда бир қанча мезонлар мавжуд эканлигини таъкидлашади ва улар қўйидагилар:

- 1) таржимани айнан ким амалга оширишга боғлиқ. Бугунги кунда таржима инсон ёки компьютер томонидан қилиниши мумкин;
- 2) нутқ шакли: ёзма таржима, ёзма матннинг оғзаки таржимаси ёки оғзаки таржима кабилар билан фарқланади. Бу мезон, шунингдек, субтитрлаш яъни экранда чиқиб турган матнни кўриб таржима қилиш, дубляж қилиш ёки асил нутқ ўрнига овозли таржимани имкони борича ўз вақтида овозлаштиришдан тортиб лаб қимирлашларигача мослаштириш демакдир;
- 3) аслият матн моҳиятини идрок этиш. Бунда таржимон аслият матнни кўриши ёки эшитиш орқали таржима қиласди;
- 4) аслият матнни идрок этиш ва таржима қилиш ўртасидаги вақт оралиғи: кетма-кет ва синхрон таржима қилиш;
- 5) таржима жараёнида тилларнинг сонига қараб бир томонлама (фақат инглизчадан ўзбекчага) ёки икки томонлама (инглизчадан ўзбекчага ва ўзбекчадан инглизчага) таржима;
- 6) таржиманинг йўналиши: ўз она тилига ва она тилидан чет тилига таржима;

⁴ Catford J. A Linguistic Theory of Translation. – London: OUP, 1965. – P.20.

⁵ Bell R. Translation and Translating. – London and New York: Longman, 1991. – P.5.

⁶ Nida E. and Taber C. The Theory and Practice of Translation. United Bible Society, 1969. – P.12.

7) оғзаки таржима усулларига кўра: эслатмалар орқали ёки гапма-гап оғзаки таржима;

8) аслият матнинг услугиби ёки жанрига кўра: бадиий адабиёт ёки расмий услугдаги матнларни таржима қилиш.

Рус тилидаги “перевод”, ўзбек тилидаги “таржима” сўзи инглиз тилида икки хил талқин қилинади: ёзма таржима (translation) ва (interpretation) оғзаки таржима. Улар ёзма матн ёки оғзаки нутқдан ким таржима қилишга қараб фарқланади.

Биз ёзма таржима (translation) ва оғзаки таржима (interpretation)ни бир-биридан фарқлаган ҳолда таржима амалиётларини олиб боришимиз ва таржимон тайёрлаш жараёнида бу жиҳатга жиддий эътибор қаратишимиз зарур. Ёзма таржимада аслият матнининг барча деталларини имкон қадар таржима тилига олиб ўтилишига эришишимиз оғзаки таржимада эса сўзловчининг асосий нутқини буюртмачига етказиб беришга интилишимиз керак.

Бу икки тушунчанинг бир-биридан фарқини таржима ва таржимонлар бўйича халқаро ташкилотлар номлари ва уларнинг вазифаларида ҳам кўришимиз мумкин. Дунё бўйича ёзма таржимонларни бир-бирига боғлаб турувчи ташкилот Халқаро таржимонлар федерацияси, яъни F.I.T. (Fédération Internationale des Traducteurs) ёки I.F.T (the International Federation of Translators) деб юритилса, оғзаки таржимонлар учун эса Оғзаки таржимонлар халқаро ассоциацияси A.I.I.C. (Association Internationale des Interprètes de Conférence), ёки I.A.C.I (the International Association of Conference Interpreters) мавжуд.

1.3. Таржима қилишнинг замонавий тенденциялари

Бугунги қунда таржимага замонавий ёндашувлар орасида маданий жиҳатдан ёндашув асосий рўл ўйнамоқда.

Таржимон тайёрлашнинг лингвомаданий муаммолари қуйидагилардан иборат:

- маданиятлараро мулоқотнинг ўрни;

- таржимада маданий мослашиш ҳолатлари;
- чет тил дарси маданиятлараро учрашув чорраҳаси сифатида.

Таржимонларни тайёрлашда маданиятлараро мулоқотнинг роли.

Маданиятлараро мулоқот жараёнини юзага келтирадиган воситалардан бири таржимачилик фаолияти ҳисобланиб, у туфайли ўзга миллат адабиётiga кириб борган бадий ёдгорлик халқларнинг ўзаро муносабатини, улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан бирга мазкур адабиётни шакл, жанр ва услугуб жиҳатларидан ранг-баранглангиширади, тил луғат таркибини такомиллаштириб, унинг ифода имкониятини кенгайтиради. Бадий ижодда маданиятлараро мулоқотнинг бир қўриниши сифатида намоён бўладиган таржимани қўйидаги намуналарда кўриш мумкин:

Миллий лисоний воситалар сирасига одамлар исмлари ҳам кирадики, уларнинг қайси миллатга мансублиги талаффузидан кўзга ташланиб туради. Бундай номлар бир тилдан иккинчи тилга, асосан, транскрипция ёрдамида таржима қилинади. Бизга маълумки, транскрипция аслият мансуб бўлган хос номнинг таржима тили соҳибларига хос номлар билан алмаштириб юбориш хавфини бартараф этади.

Таржимада маданий мослашии ҳолатлари. Маданият унсурларини, яъни тарих, ижтимоий тизим, дин, кундалик урф-одат ва анъаналар асосида таржима орқали бошқа тил муҳитига узатиш жараёни мураккаб масаладир. Ижтимоий алоқалар ҳам маданият унсурлари бўлиб, баъзи маданиятларда, одамлар катта оила шароитида яшашга ўрганишган ва бу ҳар бир оила аъзосига кундалик муомалада мурожаат қилиш эҳтиёжини туғдиради. Ҳар бир инсонга унинг номини айтиб мурожаат этилади. Катта оилаларда яшаш Ғарб халқларига у қадар хос бўлмагани боис, мурожаатни ифодаловчи сўзларни тасвирлашга инглиз тили бирмунча ожизлик қиласида. Баъзи маданият эгаларида кишилар ўзларидан катталарга муайян тарзда ҳурмат билан тоға, амма деб мурожаат қилишади. Бу ҳолат инглиз тилида унчалик кўп оммалашмаган.

Чет тил дарси маданиятлараро учрашув чорраҳаси сифатида. Чет тилларни ўрганаётганлар, одатда, мулоқотнинг яна бир усулини ҳам эгаллашга ҳаракат қилиши натижасида юқори даражада тилни билишда инсон шу тилда ифодаланган маънавий-рухий бойликларни эгаллашга, янги миллий маданиятга кириб боришга кучли эҳтиёж сезади.

Тилнинг коммуникатив вазифаси фанда жадал ривожланиб ва ўрганилиб бориши олий ўкув юртларида тилшунослик фанини ўқитишида тилнинг коммуникатив вазифаси биринчи ўринда турса, кейин тилнинг гносеологик вазифаси эса – дискурсив ва кумулятив вазифаларга бўлинади.

Дискурсив вазифа инсонни тушуниш фаолиятининг процессуал даражага киради, яъни фикрлар динамик тарзда ташкил қилинади ва ўзаро боғланади. Шунинг учун кўплаб тадқиқотлар тилнинг онгга таъсирига, онг ва тил бирлигига, онгнинг тилда ифодаланишига ўtkazилган. Кумулятив (жамловчи) вазифа онгни юзага келтирувчи тушунчага тўғри келади. У инсон онгидаги тил бирликларининг акс этиш ва сақланишини ифодалайди.

Саволлар:

1. Таржима дидактикаси нима?
2. Таржимага ўқитиши деганда нимани тушунасиз?
3. Таржимонлар халқаро ташкилотлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Таржиманинг замонавий тенденцияси сифатида маданиятлараро мулоқотнинг асосий моҳияти нимадан иборат?
5. Таржима турларини тасниф қилувчи асосий меъёрлар нималардан иборат?

2-мавзу: Таржимон тайёрлашда шахс сифатида ва фаолиятли ёндашув тамойиллари

Ўқитиш методикасига таълимни ривожлантириш қоидаси сифатида йўналишлараро алоқалар ва услубий тизимнинг яхлитлигини таъминлайдиган “интеграция” тушунчаси таржимага ўқитиш тизимиға шахсга ёки фаолиятга оид, шунингдек ижтимоий-маданий ва дискурсив лингводидактик ёндашувларни интеграциялаш тамойилларини юзага келтириди [121]. Бундай билим ва маҳорат кўникмаларини эгаллашда қуидаги таржимон тайёрлашни ташкил этишнинг умумий тамойилларини ўзлаштириш талаб этилади:

- таржимонларни тайёрлашда шахс сифатида ёндашув тамойили;
- таржимотларни тайёрлашда фаолиятли ёндашув тамойили;
- таржимонлар тайёрлашда ижтимоий-ёндашув тамойили;
- таржимонлар тайёрлашда дискурсив ёндашув тамойили.

Таржимонларни тайёрлашда шахс сифатида ёндашув тамойили. Профессионал ўқитишнинг асосий мақсадлари жамиятнинг иқтисодий ва маданий ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий буюртмаларга қараб белгиланади. Таржимон фаолиятини профессионаллаштириш ушбу касбга нисбатан қўйиладиган талабларни аниқлаб олиш заруратини шарт қилиб қўйди. Муракқаб ва қўп босқичли обьект бўлган таржимон фаолияти маълум бир тизим ҳосил қиласи. Мазкур тизимнинг ҳаётийлигини таъминлаб берувчи таржиманинг таркибий қисми бўлиб меҳнат субъекти – унинг барча бўлаклари ҳаракатлари ўртасида ўзаро узвийлик ҳосил қиласидиган таржимон фаолиятидир.

Таржимон ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириши учун профессионализм асосини ташкил қилувчи ва мазкур фаолият субъекти тавсифи, унинг билими, профессионал маҳорати ва профессионал жиҳатдан муҳим сифатларини кўриб чиқиши имконини берадиган профессионал ваколатли хусусиятга эга бўлиши лозим. Узоқ вақт давомида профессионал шахсни тайёрлашга нисбатан фақат яқуний талабларни ўзида акс эттирган

“малака” терминидан фойдаланиб келинган. Профессионал ваколатли таржимонлик фаолияти субъекти тавсифини, ишни маҳорат даражасида бажариш учун унда бўлиши шарт бўлган билимлар ва когнитив салоҳиятни кўриб чиқиш имконини беради. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида тилшунослик соҳасида тил таҳлилига ва психологик манбалар жалб этила бошлади. Шу боис етакчи лингвистик ва лингвометодик омиллардан бири сифатида тил шахси (Г.И.Богин, Ю.Н.Караулов ва б.) ва хорижий тилларга ўқитишда қўлланадиган иккиласмчи тил шахси (И.И.Халеева) тушунчалари, таржимага ўқитишдаги бош мақсад эса иш фаолиятини самарали амалга оширадиган, меҳнатда ўзини тўлиқ намоён қиласдиган таржимон шахсини лойиҳалаштириш, яъни профессионал таржимонлик ваколатини шакллантиришни талаб қиласди.

Таржимоннинг профессионал ваколати кенг кўламли, ўзида қатор жиҳатларни мужассам этган воқелик ҳисобланиб, у таржимоннинг профессионал коммуникация соҳасидаги фаолиятининг ўзаро маданий муносабатлар, таржимоннинг шахсий профессионал фаолияти, профессионал таржима муҳити ва профессионал шахсияти билан боғлиқ бўлади. Шунга асосланиб, мазкур ваколатнинг қўйидаги қўринишларини қайд этиш мумкин:

1. Маданиятларро коммуникатив компетенция, яъни хорижий тилни тушунишга тайёрлик, тушуна олиш, таржима тилида оғзаки ёки ёзма шаклда ифодалаш ва дискурс қўринишидаги нутқий дастурларни (жамиятнинг ижтимоий ва маданий меъёrlарига мос равишда) яратиш;
2. Махсус ваколат, яъни муайян соҳага оид матнни ўгирувчи шахс ишни профессионал даражада амалга оширишга тайёр бўлиши ва шундай қобилиятни касб этиши, таржимон томонидан пойdevor, предмет, дискурсив, ижтимоий-маданий, технологик ва стратегик унсурларни ўзида мужассам этган тегишли билим, маҳорат ва қўникмаларни эгаллаш;
3. Соҳага оид матнларни ўгирувчининг ижтимоий ваколати, профессионал фаолиятни, таржимонлик касбида қабул қилинган муносабатлар меъёrlарига мос равишда амалга оширишга тайёр туриш ва

амалга ошириш қобилиятига эга бўлиш, ўз меҳнати натижалари учун ижтимоий масъуллик касб этиш ва б.;

4. Таржимоннинг шахсига оид ваколат, яъни мазкур фаолиятни бажариш учун лозим бўладиган муҳим шахсий профессионал сифатларга эга бўлиш.

Таржимонларни тайёрлашада фаолиятли ёндашув тамойили. Ўқитишнинг фаолиятли ёндашувига кўра таржимонлик ваколати профессионал вазифаларни бажариш жараёнида шаклланади. Бунда таржимон фаолиятини ўрганиш унинг асосий босқичлари – таржимага тайёргарлик кўриш, хорижий тилни тушуниш, таржима тилида тушунарли матн тузиш, ўгирилган матнни тузатиш, шунингдек, уларнинг ҳар бири бўйича профессионал таржимонлик вазифаларини аниқлаб олиш имконини беради. Таржимага ўқитишнинг тўртта босқичи қўйидагилардан иборат:

Таржимага ўқитишнинг *биринчи-тайёрлов* босқичида талабаларда таржимоннинг профессионал фаолиятини бажаришга нисбатан интилиш туйғусини шакллантириш ва уларни бўлажак таржимага тайёрлашдан иборат. Мазкур босқичнинг бир қатор вазифаларни белгилаб беради:

- профессионал йўналтириш ва талабаларда таржимоннинг профессионал фаолиятини бажаришга нисбатан интилиш туйғусини уйғотиши;
- буюртмачидан ёзма таржима учун матн қабул қилиш;
- хорижий, профессионал йўналтирилган матнни ўгиришга тайёргарлик кўриш;
- маданиятлараро коммуникатив ваколат даражасини такомиллаштириш.

Таржимага ўқитишнинг *иккинчи-таҳлилий* босқичида таълим олувчилар хорижий тилдаги профессионал йўналтирилган матнни ўгиришда тушуниш ва ўгиришни ўрганишдан иборат. Матнни тушуниш ва ўгириш қўйидагича амалга ошади:

- хорижий тилдаги профессионал йўналтирилган матнни дискурсив позициядан туриб таҳлил қилиш;
- ахборот-маълумот қидириш асосида стратегия ишлаб чиқиш.

Таржимага ўқитишнинг учинчи-синтез босқичида талабалар ўзлари учун тушунарли бўлган хорижий тил матнини она тилида яратишга ўрганадилар. Ушбу босқичда талабаларда профессионал йўналтирилган матнлар таржимаси соҳаси бўйича назарий билимлар учун барча асосий ахборот ва маълумотларни сақлаб қолиши ва асл матннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишдир. Бунда таржима усуллари ёрдамида ўзаро муносабатларнинг муайян профессионал соҳаси вакиллари бўлмиш хорижий матнни жўнатувчи ва ўгирилган матнни қабул қилувчи орасида юзага келиши мумкин бўлган прагматик, ижтимоий-маданий тафовутларни бартараф этишга ўрганадилар.

Таржимага ўқитишнинг *тўртинчи-тузатии ёки коррекция* босқичида қилинган таржимани ишлаб чиқилган стратегия ва буюртмачи талабларига биноан тўғрилаб чиқиш ҳамда қилинган таржимани буюртмачига топширишдан иборат.

Таржимани ўқитишга фаолиятли ёндашув чет тилларни билиш ва уни эгаллаш билан бирга таржимон ўз устида тинимсиз ишлаши, она тили ва чет тилидаги ихтисослаштирилган адабиётлар билан танишиши, турли ахборот дастурлари ва технологиялари билан танишиб бориши, таржима жараёнида ишлатиладиган турли ибораларни ва маданий тил бирликларини ёдда сақлашни енгиллаштирувчи глоссарийлар тузиши лозим.

Бундан ташқари, таржимонларни тайёрлаш жараёнида уларнинг билим, малака ва кўникмаларини мунтазам равишда баҳолаб борилиши тўртта тил кўникмаси бўйича амалга оширилади. Шунингдек, бўлажак таржимонларнинг сўз бойлиги ва мулоқот даражаси билан бирга уларнинг дунёқарashi, маданиятлараро мулоқот кўникмалари, соҳага оид атама ва сўз бирикмаларини билиши, синхрон таржимонларда эса бунга қўшимча тарзда соҳанинг психологик жиҳатлари ҳам инобатга олиниши талаб қилинади.

Саволлар:

1. Таржимон тайёрлашда шахс сифатида ёндашув тамойилининг моҳияти нимадан иборат?

2. Таржимоннинг профессионал ваколатининг кўринишлари нималардан иборат?
3. Таржимонларни тайёрлашда фаолиятли ёндашув тамойили деганда нимани тушунасиз?
4. Таржимага ўқитишнинг биринчи тайёрлов босқичи қандай амалга оширилади?

З-мавзу: Таржимон тайёрлашда ижтимоий ва дискурсив ёндашув тамойиллари

Таржимонлар тайёрлашида ижтимоий-маданий ёндашув тамойили. Маълум бир ижтимоий муҳитда айтилган сўз юзага келиши сабабли ижтимоий институт тушунчасидан кенг фойдаланиш имконини беради. Ҳар қандай ҳамкорликдаги фаолият институцион шартланган кўринишда бўлиб, фан, дин, мактаб, оила ва бошқа жамоавий бирлашмалар тегишли ижтимоий институтлар сифатида ўрганилади.

XX асргача фан интеллектуал тоифа вакилларининг изланишларида илмий билимлар даражасида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Тегишли мутахассислар тайёрлайдиган институтлар пайдо бўлди, илмий изланишлар ва уларнинг амалиётда қўлланишини мувофиқлаштириш учун йирик тадқиқот марказлари, мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил этила бошланди. И.С.Алексееванинг тадқиқотида “Фан ва техникани институтлаштириш жараёни билимларнинг замонавий тизими, муассаса, ташкилот, жамиятларнинг вужудга келиши, ижтимоий муносабатлар ва улар билан боғлиқ фаолият меъёрлари, шунингдек, мазкур фаолиятнинг профессионаллашуви каби тушунчаларни ўз ичига олади” [71] деб таъкидланиши ҳар қандай ижтимоий институт социал муносабатлар муҳити билан боғлиқ бўлади. Хорижий тилни ўрганиш ва ундан фойдаланишда қўллаш учун Европа Кенгаши тадқиқотчилари томонидан муносабатлар қатламини биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий ҳаракатларни ўзида мужассам этган ижтимоий кенг қамровли жамият ҳаёти ва шунга мос

равища ташкилий, профессионал, жамоавий ва шахсий қатламларга бўлиниши эътиборга олинган. Муносабатлар қатлами ning бундай бўлиниши ҳаққоний бўлиб, мазкур қатламлар кишилар ўртасидаги бир-бири билан боғлиқ ижтимоий ҳаракатларни бошқарадиган ва маълум бир касб бўйича фан ва техникага оид муносабатларни ўрганиш имконини берадиган ижтимоий институтлар билан уйғуллашади.

Таржимонларни тайёрлашда дискурсив ёндашув тамоили. Профессионал йўналтирилган таржима спецификаси, таржиманинг ушбу тури учун ишлаб чиқилган стратегия ва таржимоннинг ўзига қўйиладиган талаблар профессионал фаолият предмети билан белгиланади. Мазкур фаолият обьекти ва предмети профессионал йўналтирилган матн бўлиб, таржимон маданиятлараро муносабатлар иштирокчиси сифатида бошқа тилдаги матннинг тузилишига таъсир қўрсатадиган ва таржимон ушбу матнни она тилига ўгиришда инобатга олиши лозим бўлган барча тарихий, ижтимоий, маданий, вазиятли омилларни ҳисобга олиши шарт. Матнни таҳлил қилишда “дискурс” ва “дискурс таҳлили” тушунчаларидан фойдаланилади. Она тилига етарли даражада ўгиришда профессионал йўналтирилган матнни қабул қилиш, тушуниш ва дискурс таҳлил қилиш лозим.

Коммуникатив метод асосида кундалик ҳаётдаги касбий фаолият учун хос бўлган, ўқитиша таржимон фаолиятида тез-тез учраб турадиган маҳсус тил турлари ва жанрларидан фойдаланишга асосланган оғзаки ифода материаллари билан ўқитиш лозим бўлади. Жанрларнинг ажратиб қўрсатиладиган хусусиятлари уларнинг матнни тушуниш ва ўгиришга таъсири жиҳатидан таҳлил қилиниши мазкур жанрлардаги мавжуд қийинчиликлар миқдорини таққослаш ва таржимон фаолияти учун хос бўлган жанрлар иерархиясини тасаввур қилиш имконини яратади. Бундай изланишлар натижасида қуйидаги кўринишдаги жанрлар иерархияси (погонали жойлашишига қараб) ҳосил қилинди:

- йўриқнома, патент, веб-сайт бўлими, реферат, ҳужжатлар мажмуи, мақола (ёзма таржима);
- хабар, деворий баён, тантанавор нутқ, муҳокама, чиқиш қилиш, маъруза (оғзаки таржима).

Таржимани ўқитишга дискурсив ёндашув тамойили бошқа тилдаги матнни тузишга таъсир кўрсатадиган ва она тилида матн яратишда инобатга олиниши лозим бўлган барча тарихий, ижтимоий, маданий, вазиятли омилларни ҳисобга олиш имконини берадиган методологик асосни ўзида акс эттиради.

Саволлар:

1. Таржимон тайёрлашда ижтимоий-маданий ёндашувнинг моҳияти нима?
2. Таржиманинг лингвистик жиҳатлари нималардан иборат?
3. Таржимонларни тайёрлашда дискурсив ёндашув тамойилининг асосий моҳияти қандай?
4. Таржимон тайёрлашда жанрлар иарерхиясига нималар киради?

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

4-мавзу: Таржима стандартларининг меъёрий хужжатлари ва фойдали маълумотлар баъзаси

Таржима – бу буюртмачидан ажralмаган ҳолда керакли сифатни таъминлаш учун тегишли тайёргарликни талаб қиладиган жуда муҳим фаолият тури. Таржимон аслият матнидаги терминларнинг миқдорини билиши, таржима жараёни, таржима ёки унинг маҳсулоти (таржима матни) асосий агентларини билиши талаб қилинади. Бу, асосан, тор мутахассисликка оид терминларни таржима қилиш муаммосига тегишилдири. Тил контекстга шунчалик боғлиқки, ҳатто, энг тўлиқ ёзиб олинган матн ҳам турлича талқин қилиниши мумкин. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда матн яратувчилари билан алоқани ўрнатиш лозим. Матнни тушунтириш, ўзгартиришлар киритиши талаб қилиш, зикр этилган ўзгартиришларнинг меъёрий хужжатларга мувофиқлигини таъминлаш масаласи “Хужжат тўғрисидаги маълумотлар” каби бўлимлардаги бандларга киритилган тузатиш ва ўзгартиришлар сифатида белгиланиши мумкин.

Кўплаб Европа компаниялари тизимли ёндашув тамойили асосидаги ҳар қандай фаолиятни бошқариш усулини таклиф этувчи ISO 9001 стандартизация жараёнини ўташди. Бу ёндашув янада бошқариш осон ва ўзаро келишиладиган барча жараёнларни (масалан, корхоналарда) оптималлаштириш имконини беради, лекин юқори сифатли таржимани кафолатламаган ва кафолатламайди.

EN 15038 European умумевропа таржима стандарти 2006 йил 1 августда кучга кириб, Европа стандартлаштириш қўмитаси (CCN - European Committee for Standardization) таржимадан ташқари қўрсатилиши мумкин бўлган қўшимча хизматлар ҳақида ҳам келишиб олинди. Унда бошқарув, хужжатларни расмийлаштириш, шунингдек, аввалги таржима стандартларида бўлмаган лойихани амалга ошириш давомида ишлайдиган мутахассисларнинг вазифаларига катта эътибор қаратилди. Бу хужжатда таржима ишини чуқур ўрганиш, тегишли даражадаги тайёргарлик ҳамда

бошқа мутахассислик бўйича малакага эга бўлиши, камида икки йиллик расмий қайд этилган стажга эга бўлиши каби бевосита таржимон олдига қўйиладиган талаблар берилган.

АҚШнинг ASTM F2575-06 Standard Guide for Quality Assurance in Translation (“Таржималарнинг сифатини таъминлаш бўйича стандартлаштирилган йўриқномалар”) стандарти таржима лойиҳасини амалга оширишдан олдин инобатга олиниши лозим бўлган ҳолатларни белгилаб беради. Шу билан бирга, бу ҳужжатга таржимани амалга ошириш ёки унинг сифати бўйича тавсияларга тегишли муҳим кўрсатмалар киритилмаган. Яъни стандартларнинг мақсади – таржима сифатини таъминлашга қўйиладиган талабларнинг бир ҳиллигига эришиш, буюртмачига кўрсатмалар бериш (Consumer-Oriented Guide to Language Translation), таржима қилинадиган тилни билишидан қатъи назар, буюртмачиларга сифатли маҳсулот олишлари учун асосланган кафолатлар беришга ҳаракат қилишдан иборат. Бугунги кундаги таржима сифатини белгиловчи асосий омиллар орасида таржима хизматини кўрсатишнинг учта асосий жиҳатини кўрсатиш мумкин:

- 1) лойиҳанинг техник шартлари (project specifications);
- 2) таржима жараёни (translation process);
- 3) сифат назорати (quality control).

Мазкур стандартлар аввалгиларидан фарқли жиҳати тил билан боғлиқ фаолият соҳасини чеклаши ёки назорат қилмаслиги лозим. Уларнинг вазифаси – таржима хизмати сифатини таъминлаш ва саноатнинг бошқа соҳаларидаги каби истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Албатта, таржима сифати деб алоҳида олинган бир давлатнинг тавсиясига асосланиб, бутун дунёда битта стандартни татбиқ этишга ҳаракат қилмаслиги сабабли таржима қилинадиган тилни билиш билмаслигидан қатъий назар буюртмачиларга сифатли маҳсулот олишлари учун асосли ва ишончли кафолатлар беришдан иборатdir.

ISO/IEC 27001 стандартига кўра, ностандарт ҳолатларни камайтириш, чора-тадбирларни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги тартиб-қоидаларида (Statement of Applicability) расмийлашти-риладиган хавфсизлик чораларини танлаб олишни назарда тутади, унда сифатни назорат қилиш бўйича қайси чоралар ва нима сабабдан танланганлиги аниқ ёритилиши лозим. Таржимонлик фаолияти талаб ортиб борадиган расмий фаоллик мухитининг доимий равища ўзгариб туриши билан боғлиқ бўлиши сабабли танланган критерияларни мунтазам равища қайта кўриб чиқиш лозим.

Ностандарт ҳолатларни камайтириш ёки бартараф этишда таржимон учун керак бўладиган ҳолатларни англаш, таржима соҳасидаги тенденцияларни, шунингдек, аҳлоқ, ҳулк-атвор, структура ва таржимонлик жараёнларини қўллаб-қувватлаш, таржимада қандай ўзгаришлар киритиши мумкинлигини асослаб бериш қобилияти, таржимонликнинг янги малакалари ва аҳлоқ моделларини амалда қўллаш назарда тутилади.

Таржимон таржиманинг иши, иш бўйича олдиндан бериладиган ўюриқнома ва босқичларнинг мослиги учун жавобгардир. Фақат буюртмачи ёки фойдаланувчи таржиманинг сифатини баҳолаши фикрига қўшилиб бўлмайди чунки, улар бунинг учун зарур бўлган тил компетенциясига эга эмас. Яхши таржимон нафақат маълум предмет соҳаси бўйича билимга, балки икки ёки ундан кўпроқ тилда уни ифодалаш қобилиятига эга бўлиши лозим.

TM Manager (TMM) бу таржимонга ёрдам сифатида ишлаб чиқилган маҳсус дастур бўлиб, маълумотлар базасида маҳсус термин ва матн сегментлари сақланади. Қоидага кўра, такрорланиб турадиган маҳсус термин ва фразаларга бой катта ҳажмдаги хужжатни таржима қилишда ТМдан фойдаланиш талаб қилинади.

Translation Memory (TM)ни эса, одатда, аслият матни маъноси билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва фақат сўзлар йиғиндисини берадиган автоматик таржимонлар ёрдамида бажариладиган механик таржима (**Machine Translation** – MT) билан адаштирмаслик лозим. Чунки ТМ тизимлари

таржимонга фақат матнни бўлакларга бўлиш (термин, гап, сарлавҳа ва б.)га, бирламчи матн бўлакларини таржима қилинган версияси билан қиёслашга ёрдам беради. ТМ туфайли таржимонда бир хужжат ёки бир мавзули хужжатлар тўплами (серияси) билан ишлашда матннинг такрорланувчи қисмини қайтадан таржима қилиш зарурияти бўлмайди. Бинобарин, таржима машина эмас, балки инсон томонидан бажарилиши сабабли компьютер таржимонга вақтни тежашга ёрдам бериб, фақат қиёслаш ишларини бажаради. Фан-техника соҳасига оид матнларни таржима қилиш жараёнида бу каби дастурлардан фойдаланиш самаралироқ, чунки уларнинг услуби, одатда, расмий доиралар билан белгиланган ва қайтариш ва умум қабул қилинган кириш сўзларидан иборат бўлади. Бадиий матнларни таржима қилишда ҳам бундай дастур фойдали, зеро, уларда ҳам такрорланувчи парчалар учраб туради. Бундан ташқари, муайян лойиҳалар тузишда дастурнинг керакли операцияларидан (concordance, placeable units ва бошқа) кўплаб дастурлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, таржимоннинг ахборот ва технологик компетенциясини кенгайтиришга қўмаклашиш ва унинг ишини енгиллаштиришга ёрдамчи қўшимча дастурлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Қўшимча дастурлар

№	Қўшимча дастурлар	Қўшимча дастурларнинг ваазифалари
1.	Multiterm	терминология базасини яратишга мўлжалланган дастур – иш маҳсулдорлигини оширувчи Workbench дастурига уланади
2.	Winalign	мавжуд таржималардан фойдаланиб ТМ (ёки жуфтликлар блоки)ни яратиш дастури бўлса
3.	TagEditor	турли форматларда ишлаш ва форматлашни бажарувчи дастур
4.	WordFast дастури	расмий сайтдан таржималар жамланмаси 20

	www.wordfast.net	шартли-босма бетдан иборат 500 та блок билан чегараланган абсолют функционал версияни юклаб олиш мумкин
5.	Atril компанияси (www.atril.com)	ТМнинг кучли воситалари тўламини ишлаб чиқаради
6.	DejaVu Interactive	унинг Pretranslate функцияси бирламчи матнни сегментлайди ва МБда топилгандар таржима сегментлари натижасини автоматик равишда матнга киритади. Мавжуд намуналарга фақат қисман мос келадиган функциялар учун fuzzy match функцияси диалог режимида таржима вариантларини таклиф қиласди. Янада интеллектуал бўлган Assemble ва Propagation функциялари, таъкидланишича, таржимани автоматлаштириш ва ТМ маълумотлар базасини тўлдириш даражасини ошириш имконини беради
7.	DejaVu дастури	терминлар билан ишлаш воситаси мавжуд. Бундан ташқари, бирламчи матнлардаги алоҳида фразаларни таржима қилишни таъкиқлаш имконияти қўшилган. Дастурда кўплаб матн таҳрири ва сахифалаш дастурлари <i>Word</i> , <i>PowerPoint</i> , <i>FrameMaker</i> , <i>PageMaker</i> , <i>QuarkXPress</i> , <i>Interleaf</i> ҳамда IBMнинг ТМ – дастурлар ва <i>Trados</i> дастурлари билан ишлаш мумкин; <i>RTF</i> , <i>Help Contents</i> , <i>Java Properties files</i> , <i>HTML (ASP билан)</i> , <i>HTML Help</i> , <i>SGML</i> , <i>RC</i> , <i>C/C++</i> форматларида ишлаш мумкин
8.	SDL International компанияси (www.sdlintl.com)	ТМ маълумотлар базасини яратиш ва таҳрир қилиш, параллел матнларни таққослаш йўли билан МБни тўлдириш, матнларни таҳлил қилиш,

		сегментлаш ва автоматик равища таржима қилиш, күп тилли глоссарийга кириш имконини берувчи <i>SDLX TM</i> – инструментни тавсия этади. ТМда фрагментларнинг ноаниқ қидибуви кўзда тутилган. Матнларнинг икки йўналишдаги (бир ҳил бўлмаган ёзув йўналиши) таржимаси қўлланилади. <i>SDLX</i> хужжатларнинг <i>HTML</i> , <i>RTF</i> , <i>MIF</i> ва <i>TXT</i> форматлари билан ишлайди, турли форматдаги ТМ маълумотлар базаси, шунингдек, <i>Trados</i> импорт ва экспорти кўзда тутилган. Дастурнинг муҳим хусусияти файлларни пакет режимида қайта ишлаш (тахлил қилиш ва таржима қилиш) имконияти ҳисобланади. <i>SDL</i> компаниясининг тармоғидан <i>SDLX</i> нинг чекланган функцияга эга демоверсиясини юклаб олиш мумкин
9.	Швейцариянинг STAR компанияси (www.star-transit.com)	таржимон фаолиятини автоматлаштириш учун бир қатор дастурларни таклиф этади. <i>Transit Professional TM</i> – дастури ноаниқ индекс (<i>fuzzy index</i>) технологиясидан фойдаланади: таржималар бўйича олинган маълумотлар базасидан фрагментларни қидиришда ажратиб кўрсатилган фрагментга тахминан мос сўз бирикмалари саралаб олинади. <i>Transit</i> деярли барча европа тиллари, рус, турк, араб, хитой ва япон тиллари билан ишлайди, матннинг икки йўналишдаги таржималарини беради
10.	Венгриялик мустақил таржимон Корней	макрос кўринишида ишлаб чиқилган дастур <i>Microsoft Word</i> (6 ва юқори версиялар) билан интеграллашади ҳамда ушбу синфдаги

	Тиборнинг арzon (нархи атиги \$30) <i>WordFisher TM</i> дастури	профессионал пакетларга хос қўплаб функцияларга эга: автоматик равишда таржима лойиҳаси файлларини сақлаш учун папкалар яратади, параллел фрагментлар жадвалини тузади ва ТМ тўпламидан бирламчи ҳужжатлардан матнли элементларни қидириш имконини беради. Глоссарийларни бошқариш модули терминлар луғати билан ишлашга хизмат қилади. Параллел матнларни таққослаш асосида таржима тўпламлари МБни автоматик равишда яратиш учун қўшимча <i>WordAlign</i> макромодули хизмат қилади, у <i>Trados</i> , <i>DejaVu</i> и <i>STAR</i> пакетлари таркибидаги ўхшаш воситаларга кўра соддароқ ҳамда тезроқ ишлайди
11.	<i>WordFisher</i> дастури	тўлиқ ишлайдиган демоверсиясини www.wordfisher.com/wf4.htm веб саҳифасидан бепул юклаб олиш мумкин
12.	IBM корпорациясининг <i>Translation Manager</i> дастури ТМ	тизим учун таржима тўпламлари МБ билан ишлаш, ишчи файлларни лойиҳаларда гуруҳлаш, терминлар луғатини бошқариш, матнларни автоматик равишда таҳлил қилиш ва сегментлаш бўйича стандарт имкониятларни яратади. <i>Translation Manager</i> функцияларини иловага киритиш учун API қўзда тутилган

Саволлар:

1. Таржима қилинган материални баҳолайдиган қандай халқаро стандартларни биласиз?
2. Multiterm дастури нима?
3. IBM корпорациясининг *Translation Manager* дастури хақида нималарни биласиз?

4. Таржимоннинг технологик компетенцияси ҳақида нималарни биласиз?

5-мавзу: Таржимоннинг асосий компетенцияларини шакллантириш

Одатда компетенция тилшуносликда тил кўникмаси деб номланади (Хомский, 1958,1965; Керол, 1964). Таржима масаласига келсак, лингвистик билим таржимон компетенциялари даражаларидан бири саналади. Таржимада таржимон компетенциясининг барча даражалари бир-бири билан узвий боғлиқ. Ушбу мавзуда “компетенция” атамаси тилшунос ёки тилга оид бўлмаган ҳар қандай билимни англатувчи умумий маънода ишлатилади. Бундан ташқари, компетенция маълум бир шахсга оидлиги туфайли, таржимоннинг малакаси, билим даражаси ва ундан фойдаланиш қобилияти бир таржимондан бошқасига фарқ қилиши мумкин деб тахмин қилсак бўлади.

Таржимашунос олимлар томонидан таржимон компетенциясини куйидагича таснифланади:

1. Таржимоннинг лингвистик компетенцияси

- ушбу компетенцияни қиёсий жиҳатдан билиш, яъни аслият тили ва таржима қилинаётган тилнинг алоқаларини билиш, уларнинг тил тизимлари, тил меъёрлари, нутқ (узуал) меъёрларидаги ўхшашлик ва фарқлар;
- ихтисосликнинг чет тил ва она тилидаги хусусиятларини билиш;
- ихтисослик тилининг грамматик ва синтактик структураларига асосан танлаб олинган лексик минимум билан ишлаш қобилияти;
- чет тил ва касбий тилда терминлар (иборалар)ни ҳосил қилиш усулларини билиш;
- чет тил ва касбий тилда қиёсий жиҳатдан қасбий фаолиятнинг тегишли соҳасига оид умумфан ва тор ихтисослик лексикаларини билиш;
- ўзбек тилида чет тилидаги терминлар эквивалентини топиш ёки тегишли адабиётларидан фойдаланган ҳолда янги терминларни яратиш қобилияти;

- ўз билимларидаги бўшлиқни мустақил равишда тўлдириш, хусусан, чоғишириш қобилияти.

2. Таржимоннинг прагматик компетенцияси:

- таржима матни мазмунидан аслият матнини жўнатувчи ҳақидаги маълумотни ола билиш қобилияти;
- гап муаллифининг мулоқотдан кўзланган мақсадини аниқлаш имконини берувчи ихтисослик бўйича матнинг лисоний ва таркибий хусусиятларини билиш;
- асл матнни жўнатувчи ва таржима матнини қабул қилиб олувчининг билим даражаси ва тасаввурларини қиёслаш қобилияти;
- таржима матни асосида қабул қилиб олувчининг мақсади ва қизиқишиларини билиш;
- стратегияни танлаш ва ихтисослик бўйича матн таржимасини қабул қилиб олувчининг руҳий ҳолати, мақсади ва қизиқишиларини олдиндан кўра билиш қобилияти;
- таржима матни ва уни қабул қилиб олувчининг характерини инобатга олган ҳолда унинг муаллифи мақсадини етказиб бериш қобилияти;
- таржима матнини қабул қилиб олувчилар учун муаллиф мақсадининг адекват равишда тушунарли бўлиши учун матнни соддалаштириш даражасини аниқлаш қобилияти.

3. Таржимоннинг социолингвистик компетенцияси:

- тили ўрганилаётган мамлакатдаги илмий-техник соҳа вакиллари билан мулоқотнинг социолингвистик хусусиятларини билиш;
- илмий ва техник маълумотларни чет тили махсус дискурсида тақдим этиш хусусиятларини билиш;
- махсус дискурснинг социолингвистик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш қобилияти;
- чет тил ва она тили махсус дискурснинг социолингвистик хусусиятини қиёслаш ва таҳлил қилиш қобилияти;

- илмий-техник соҳада мулоқот учун қабул қилинган нутқ маданияти моделини бузмаган ҳолда касбий тилда муаллифнинг гапи ва мақсадини етказиб бериш қобилияти;
- таржима матнини қабул қилиб олувчининг ижтимоий-маданий билимларини инобатга олган ҳолда миллий-маданий компонентга эга лексика – эквивалентсиз ва эквивалентли лексика, хос сўзлар моҳиятини тушуниш ва ўқувчига етказиб бериш қобилияти.

4. Таржимоннинг дискурсив компетенцияси:

- таржимон фаолияти учун хос дискурснинг асосий жанрларини билиш, уларни амалга ошириш жараёнида эришиладиган коммуникатив мақсадлар ҳамда уларни чет тил ва она тилида ифодалаш қоидалари ва ўзига хос хусусиятларини билиш;
- шу мақсадларни касбий тилда тўлиқ етказиб бериш учун ушбу тавсифларни она тилидаги маҳсус дискурс жанрлари ҳақидаги маълумотлар ёрдамида қиёслаш;
- муаллифнинг фикри ва мулоқот вазиятини инобатга олган ҳолда она тилига таржима қилиш учун маҳсус дискурснинг тегишли жанрини танлай билиш;
- таржима матни муаллифи фикрини ифодалашда мантиқий кетма-кетликни яратиш қобилияти;
- таржима матнини яратиш жараёнида мулоқотнинг илмий-техникавий соҳасида қабул қилинган нутқ ва нутқдан ташқари хулқ меъёрларига амал қилиш.

5. Таржимоннинг ижтимоий-маданий компетенцияси:

- тили ўрганилаётган мамлакатнинг фан ва техника соҳасидаги институтлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва маҳсус дискурсни яратиш, таржима қилишда ушбу билимларни қиёслай олиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатнинг касбий соҳага доир мулоқот қоидалари, анъана ва меъёрларини билиш ва маҳсус дискурс яратиш ва таржима қилишда ушбу билимларни қиёслаш;

- таржима жараёнида махсус дискурсни ижтимоий-маданий жиҳатдан соддалаштиришнинг керакли даражасини аниқлаш қобилияти.

6. Таржимоннинг стратегик компетенцияси:

- таржимага аниқлик киритувчи омиллар (прагматик, лингвистик, ижтимоий-маданий, дискурсив, ситуатив) ва ихтисослик бўйича матнларни таржима қилишда уларнинг таржима стратегиясини танлашга таъсир кўрсатиш даражасини билиш;

- таржимага аниқлик киритувчи максимал миқдордаги омилларни аниқлаш ва муайян мулоқот вазиятида ихтисосликка доир матнларни таржима қилиш стратегиясини ишлаб чиқиша инобатга олиниши лозим бўлғанларини танлаб олиш қобилияти;

- аниқловчи омиллар асосида таржима жараёнларининг кетма-кетлигини ишлаб чиқиш қобилияти;

- фойдаланилаётган таржима стратегиясини асослаб бера олиш.

7. Таржимоннинг технологик компетенцияси:

- мамлакатдаги ва тили ўрганилаётган мамлакатдаги тизимларни, тил ва нутқ меъёрларини фарқлаш усулларини билиш ҳамда улардан таржима жараёнида самарали фойдаланиш;

- касбий мулоқот соҳаси вакиллари сифатида аслият тил жўнатувчиси билан таржима тили қабул қилувчисининг прагматик имконияти орасидаги фарқларни бартараф қилиш усулларини билиш ҳамда таржима матнида муаллиф фикри ва истагини ифодалашда улардан фойдаланишни билиш;

- чет тил ва она тилидаги махсус дискурснинг жанр турлари орасидаги фарқларни бартараф қилиш усулларини билиш ва она тилидаги махсус дискурсда ахборот тақдим этиш меъёрлари асосида таржима тилида улардан фойдаланишни билиш;

- дунёning профессионал харитаси. асл матнни жўнатувчи ва таржима матнини қабул қилиб оловчи ижтимоий-маънавий потенциали орасидаги фарқларни батараф этиш усулларини билиш ҳамда таржима матнида улардан фойдаланишни билиш;

- ихтисослик бўйича матнларни таржима қилиш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган ташқи манбаларни аниқлаш ҳамда касбий фаолиятда улардан фойдаланишни билиш.

8. Таржимоннинг социал (ижтимоий) компетенцияси:

- илмий-техник матнлар таржимонларини бирлаштирувчи ташкилотлар, касаба уюшмалари ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- касбий муҳитда (корхона/фирма, ҳамкасб таржимонлар, ташкилий хизматлар вакиллари ва б.) мулоқот олиб бориш меъёрларини билиш;
- ихтисослик бўйича матнларни таржима қилиш борасида иш қидиришда ёрдам берилиши лозим бўлган ташкилотлар, фирмалар, корхоналар, Интернет сайтлари ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- меҳнат бозорида ўз хизматларини таклиф қилишни билиш;
- ўзининг профессионал малака ва билимлари (профессионал компетенцияси)ни тўғри баҳолаш қобилияти;
- меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида шартнома тузишни билиш;
- иш берувчидан таржима учун керакли ахборот/маълумотни олиш қобилияти;
- мутахассислар, тегишли соҳа эксперtlари, фирма-корхонадаги ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилиш йўлларини билиш;
- ҳамкасб таржимонлар билан ҳамкорлик қилиш йўлларини билиш.

9. Таржимоннинг предмет бўйича компетенцияси:

- фан ва техника соҳасидаги академик билимларга эга бўлиш ва улардан ихтисослик бўйича матнларни таржима қилиш жараёнида фойдаланишни билиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатдаги фан ва техниканинг яратилиш ва ривожланиш тарихини билиш;
- ихтисослик бўйича матн яратиш ва таржима қилишда билимларни қиёслаш қобилияти;
- тили ўрганилаётган мамлакат ва Ўзбекистон Республикасидаги илмий ва техник тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш;

- таржима матнида адекват тарзда етказиб бериш мақсадида ушбу хусусиятларни таҳлил қилиш ва қиёслаш қобилияти

Саволлар:

1. Таржимоннинг лингвистик компетенцияси нима?
2. Таржимоннинг умумий компетенциялар классификацияни кўрастинг.
3. Таржимоннинг технологик компетенциясига нималар киради?
4. Таржима матни муаллифи фикрини ифодалашда мантиқий кетма-кетликни яратиш қобилияти таржимоннинг қайси компетенцияси таркибиға киради?

6-мавзу: Таржимоннинг профессионал компетенцияларини шакллантириш

Хорижий тадқиқотчилар ишини кўриб чиқадиган бўлсак, Ж.Делиль Канада ва Францияда таржима мактаблари вакилларининг касбий таржимонлик компетенциясининг лингвистик, таржима, методологик, тематик, техник компетенцияни кўрсатиб ўтади. В.Н.Комиссаров эса тил, коммуникатив, матн ҳосил қилувчи, техник компетенция тўғрисида ўз фикрларини билдиради⁷.

Таржима қилиш учун таржимоннинг профессионал компетенцияси (билим, малака ва қўникмалар йиғиндиси) қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим⁸:

- тил компетенцияси (аслият ва таржима тилларини билиш);
- коммуникатив компетенция;
- таржима компетенция (таржима қилиш малакаси);
- техник компетенцияси (ахборот билан ишлаш малакаси);
- шахсий фазилатлар (хотирани ривожлантириш).

⁷ Комиссаров В. Н. Современное переводоведение. – М.: ЭТС, 2001. – 424 с.

⁸ Аликина Е.В., Швецова Ю.О. Формирование экстралингвис-тической компетентности будущих устных переводчиков // Современные проблемы науки и образования. 2012. – № 2. Электрон ресурс: www.scienceeducation.ru/102-6037.

1. Коммуникатив компетенция – индивиднинг умумий компетенцияси унсурлари билан ўзаро боғлиқ бўлган ва индивид учун нутқ фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш имконини берувчи лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар комплекси сифатида белгиланиши мумкин.

2. Тил компетенцияси – бу тил бирликлари функциясининг тизимли қоидаларини билишгина эмас, балки нутқ малакаси даражасида тил материалини билиш, яъни муайян мазмунни ифодаловчи гапларни тўғри тузиш.

3. Таржимонлик компетенцияси – барча ҳолатларда ҳам эмас, балки муайян мавзудаги, аниқ бир стилистик жанрдаги матнларни таржима қилишдаги билим, малака ва кўнишка, таржимонга мақбул бўлган таржима усулларини прагматик компоненти сифатида тавсифлаш мумкин.

4. Техник (ёки технологик) компетенция – таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли ҳил вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалари киради.

5. Шахсий компетенция:

- ихтисослик бўйича матнлар профессионал таржи-монлар грухи қадрий ориентацияси ва менталитетига кириб бориш;
- ихтисослик бўйича матнлар таржимасида касбий шаън ва қадр қоидаларига риоя қилиш;
- таржима қилинаётган ахборот/маълумотнинг аниқ-лиги ва адекватлиги учун жавобгарлик, мукаммаллик ва мустақил ўқишига тайёрлик;
- ностандарт касбий вазиятларга мослашиш қобилияти;
- фикрлаш: амалий, репродуктив, продуктив, мантикий, таҳлилий-мантикий, интуитив;
- кенг илмий ва маданий дунёқараш;
- ўз хотираси манбаларини сафарбар этиш қобилияти;
- ўз фикрини тўғри тақсимлаш қобилияти;

- хушмуоммалалик, фикрни бир жойга жамлаш, кузатувчанлик, шахсий танқид, такт, камтаринлик ва жисмоний бардошлилик.

Саволлар:

1. Таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли ҳил вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалари бу –
2. Таржимоннинг шахсий компетенциясини изоҳланг?
3. Таржимоннинг тил компетенцияси нима?
4. Таржимоннинг профессионал компетенцияси таркибини қайси компетенциялар ташкил этади?

7-мавзу: Таржима амалиётида машқларни танлаш қўнималари

Оғзаки таржимага ўқитиш тайёргарлик ва асосий босқичларга бўлинади. Тайёргарлик босқичида – талабанинг таржима қиласиган хорижий тилларни кучли ўрганиш талаб этилади. Талабалар ҳар ҳил мавзулардаги нутқларни ирода қилиши, интервью олиши, бериши ва ҳоказоларни ўрганадилар. Она тилидаги оғзаки нутқ жанрлари ҳам фаол ўзлаштирилади. Чет тилни ўрганишда тайёрлов босқичида тинглаб тушуниш усулидан кенг фойдаланилади. Бу бўлажак таржимонга жуда зарур бўлиб, талабалар оддий оғзаки ва ёзма матнларни хорижий тилдан она тилига таржима қилишни ўрганадилар.

Ўқитишнинг асосий босқичида оғзаки таржима билан боғлик фаол комплекс тренинг бошланади. Яъни, хотира тренинги, тилдан тилга ўтиш тренинги, суръат тренинги, лексика устида ишлаш, трансформация тренинглари амалга оширилади. Ўқитишда фойдаланиладиган машқларни танлаш қўнимма ва маҳорат сирларини шакллантириш зарурати билан боғлиқлигини тақозо қиласи. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

- тинглаш қўникмаси;
- мнемотехника қўникмаси;

- трансформациялаш күникмаси;
- тилдан тилга ўтиш күникмаси;
- нутқий механизмларни бошқариш күникмаси;
- оғзаки нутқ техникаси күникмаси;
- таржима суръати;
- таржима учун мұлжалланган матнни тинглаш күникмаси

Саволлар:

1. Таржима суръати – бу
2. Оғзаки нутқ техникаси күникмасини изохланг.
3. Тилдан тилга ўтиш күникмасини моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Мнемотехника күникмаси деганда нимани тушунасиз?

8-мавзу: Таржимоннинг касбий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш

Таржимоннинг касбий компетентлигига муҳим ўрин коммуникатив компетенциясига ажратиласы. А.Н.Щукин уни тил воситалари ёрдамида “у ёки бу фаолият доирасида мұлоқот мақсади ва вазиятига мувофиқ нутқ фаолиятини амалга ошириш қобилияти сифатида белгилайди”⁹.

Фан оламида коммуникатив компетенция структурасидаги таркибий қисмларга нисбатан ягона фикр мавжуд эмас, шу билан бирга у бир қатор бошқа компетенцияларга асосланади дея ҳисобланади:

- тил (уни биз юқорида таржимоннинг касбий портретидаги алохидан компетенция сифатида тасвирланган);
- нутқ (коммуникатив мақсадларни амалга оширишга күмаклашувчи тил ёрдамида фикрларни шакллантириш ва тартибга солиш қобилиятини билдиради);
- ижтимоий-маданий (мутахассис портретида мустақил компетенция сифатида күрсатилди);

⁹ Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика: учеб. пособие для преподавателей и студентов. – М., 2004. – 416 с.

- ижтимоий (мулоқотга киришиш истаги ва қобилиятида намоён бўлади);
- стратегик (рецептив ва продуктив характердаги муаммолар юзага келганда таржимон билимидаги бўшлиқларни тўлдиришга қўмаклашувчи вербал ва новербал стратегияларни ўз ичига олади);
- дискурсив (уни дискурс, яъни гапларни боғловчи маълумотлар билан бириктириш қобилияти сифатида белгилаш турли синтактик ва лексик воситалардан фойдаланилади).

Бундан ташқари, В.Н.Комиссаров фикрича, таржимоннинг коммуникатив компетенцияси бу “инсоннинг инференция – ёрдамчи билимлар асосида уларнинг тўлиқ мазмуни ёки “маъноси” хақидаги нутқий иборалардан тўғри хulosаларни шакллантириш қобилиятидир”¹⁰.

Яъни таржимон рецепторлар (қабул қилиб олувчилар) турли ҳажмдаги ёрдамчи билимлар бўлган таржимани тўғри қабул қилишига эътибор қаратиши лозим. Зарурият бўлганда, таржимон таржима қилинаётган матн енгил тушунилиши учун қўшимча ёрдамчи маълумот бериши мумкин.

Коммуникатив компетенциянинг таркибий қимларидан бири сифатида ижтимоий-маданий компонент (бошқача номи “ёрдамчи билимлар”) назарда тутилади. Бошқа тилдаги маданиятни ўрганиш жараёни кўп қирралидир ва нафақат муайян билимларга эга бўлиш, балки алоҳида малака ва кўникумаларга эга бўлишдан иборат. Шу сабабли ушбу компонентни лингвист-таржимон портретидаги мустақил компетенция – ижтимоий-маданий компетенция сифатида олиш лозим. Ижтимоий-маданий компетенция “тил соҳиблари ижтимоий ва нутқ маданиятининг миллий-маданий хусусиятларини: уларнинг урф-одатлари, этикети, ижтимоий стереотиплари, тарихи ва маданияти, шунингдек, мулоқот жараёнида бу билимлардан фойдаланиш йўлларини” билишни назарда тутади.

¹⁰ Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 325 с.

Ижтимоий-маданий компетенция қуидагиларни ўз ичига олишини кўрсатади:

- лингвомаданиятшунослик компетенцияси (миллий-маданий маънога эга лугавий бирликлар ва миллатаро мулоқотда улардан фойдаланиш қобилияти);
- ижтимоий-лингвистик компетенция (ижтимоий қатламлар, турли авлод вакиллари, жинслар, ижтимоий гурухлар тилининг ўзига хос жиҳатлари шевалар);
- ижтимоий-психологик компетенция (ижтимоий ва маданий сценариялар, муайян маданиятда қабул қилинган коммуникатив техника ёрдамида бериладиган ахлоқнинг миллий-хусусий қолипларини билиш);
- маданий компетенция (ижтимоий-маданий, тарихий-маданий, этник-маданий фон).

Компетенциянинг бу турларини эгаллаш лингвист-таржимон учун мажбурий талаб ҳисобланиб таржимон турли маданий тизимларни тушунтириб бериш ва бошқа маданият вакиллари билан қўрқмасдан мулоқотга киришиш, бир хорижий маданият тизимининг ичидаги хос ижтимоий турланишларни тушуниш, миллатлараро мулоқотда муаммоли вазиятларни ҳал қилиш йўлларини билишни тақозо этади.

Таржимон малакасининг шартларидан бири матн ҳосил қилиш салоҳиятига эга бўлишидир. В.Н.Комиссаровнинг фикрича, бу “мулоқотнинг коммуникатив мақсади ва вазиятига, асосан, турли хилдаги матнларни яратади, матннинг тегишли структурасини яратади, нутқ бирликларининг тузишилиш қоидаларига биноан матн бирликларидан фойдаланиш, унинг айрим қисмлари ўрнини ва боғлиқлигини баҳолаш ва матнни боғлаб нутқ сифатида қабул қилишидир”¹¹.

Таржимонда матн яратиш компетенциясининг бўлиши матнга нисбатан таржима стратегиясини танлаш, бирламчи матн ва таржимани қабул қилувчининг тури ва таржима актининг мақсадини аниқлаш, узатувчининг

¹¹ Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – С. 327-328.

ниятини инобатга олган ҳолда ахборотнинг мазмунини тўғри талқин қилиш, аслият матнининг лексик-грамматик тузилишини бирламчи матнга яқинлаштириш (ўхшатиш), матнинг айрим қисмлари ўрни ва боғлиқлигини баҳолаш, тўлиқлигини таъминлаш ва уни “коммуникация бирлиги” сифатида қабул қилиш қобилиятининг ривожланганлигини кўзда тутади.

Ўз фаолиятини самарали амалга ошириш учун маҳсус қасбий билим, малака ва кўникмалар таржимоннинг техник компетенциясини ташкил этиб, бошқалардан шахсий хусусият ва қобилияти билан эмас, балки маҳсус қасбий билим ва малакага тегишлилиги билан ажralиб туради. Таржима соҳасидаги мутахассис таржимонлик фаолиятининг мазмуни ва вазифалари, таржима назарияси, таржима стратегияси ва таржима усусларининг асосий қоидалари ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим. В.Н.Комиссаров “таржимон стратегияси таржима жараёнини амалга ошириш умумий тамойилларининг уч гурухини: айрим бошлангич постулатлар, аниқ қарорлар қабул қилишда таржимон амал қиласиган умумий ҳаракат йўналишларини танлаш ва таржима жараёнидаги ҳаракатларнинг характеристи ва кетма-кетлиги”ни қамраб олади, деб ўйлайди.

Стратегия асосида таржимоннинг бирламчи матн мазмунини аниқроқ тушуниш ва талабага етказиб бериш истаги туради. Таржимон ўз фаолиятига танқидий ёндашиши, таржима матни тушунарсиз ёки маъносиз кўринса-да, аввало, ўз билим ва тажрибасига шубҳа билан қараши ва бўшлиқларни тўлдиришга ҳаракат қилиши, таржиманинг энг яхши вариантини яратиш учун ҳаракат қилиши, таржима мақсади, муддати, шунингдек, бошқа шартшароитларни, масалан, техник воситалар (диктофон, компьютер)дан фойдаланиш имконини ҳисобга олади.

Стратегик ёндашув тегишли қоидаларга амал қилишни тақозо этади: аслият матнини ўқиши ва тушуниш; матнни кетма-кетлик тамойили асосида қисмларга бўлиш (бу қисмлар, одатда, бир ёки иккита гапга teng бўлиши мумкин); бирламчи матн мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиши (энциклопедия, лугат ва бошқа манбалардан қўшимча маълумот қидириш);

нотаниш сўз ёки маҳсус терминлар рўйхатини тузиш; таржимани аввал қоралама кейин уни оқقا кўчириш ва таҳрир қилиш.

Саволлар:

1. Таржимоннинг матн ҳосил қилиш қобилиятига нималар киради?
2. Таржимоннинг ижтимоий-маданий компетенцияси таркибига нималар киради?
3. Таржимоннинг тил компетенциясининг моҳияти нималардан иборат?
4. Таржимонларни тайёрлашда фаолиятли ёндашув тамойили деганда нимани тушунасиз?

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс билан ишлашга 1 та ўқув машғуло1-вариант

Кейс билан ишлашга 1 та ўқув машғулоти ажратилган. Кейс ўлчами унчалик катта эмас .

- 1. Кейс билан якка тартибда танишиш.**
- 2. Кейс билан жамоа бўлиб ишлаш:**
 - 2.1. Ақлий ҳужум: - муаммоли вазиятни ҳал этиш ғоялари генерацияси.**
 - 2.2. Жамоанинг баҳоси ва устувор ғояларнинг танланиши.**
- 3. Ўқитувчи резюмеси.**
- 4. Тингловчиларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш**

2-вариант

Кейс билан ишлашга 1 та ўқув машғулоти ажратилган. Кейс ўлчами унчалик катта эмас.

- 1. Кейс билан якка тартибда ишлаш.**
- 2. Жамоанинг муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш, бундай амалий вазиятдаги фаолият бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган мунозараси.**
- 3. Ўқитувчи резюмеси.**
- 4. Тингловчиларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш**

3-вариант

Кейс билан ишлашга 1 та ўқув машғулоти ажратилган. Кейс ўртача ўлчамли.

1. Кейс билан аудиториядан ташқари вақтда якка тартибда ишлаш.
2. Аудиторияда ишлаш:
 - 2.1. Кичик гурӯҳларда ишлаш: кейс билан якка тартибда ишлаш натижаларини мұхокама қилиш бўйича кичик гурӯҳлардаги ишлар; жамоанинг муаммо ечими бўйича таклиф қилинган муқобил вариантларни таҳлил қилиши ва баҳолаши, устувор ғояни танлаши; муаммоли вазиятни ҳал этиш дастурининг ишлаб чиқилиши.
 - 2.2. Гурӯҳ иши тақдимоти.
 - 2.3. Муаммоли вазият ечими бўйича таклиф этилган вариантларнинг жамоадаги мұхокамаси.
3. Ўқитувчи резюмеси.
4. Тингловчиларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш

VI. ГЛОССАРИЙ

Таржимон	Бир тилда яратилга сўз, гап, матн ва ҳокозоларни боша тилга тушунарли қилиб олиб ўтувчи шахс, воситачи
Таржима	Бирор ахборотни аслият ва таржима тилларининг лингвистик ва экстрагравистик хусусиятларини ҳисобга олиб, бошқа ифодалаш жараёни.
Аслият матн	Таржима қилиниши керак бўлган матн.
Таржима матн	Бошқа тилга таржима қилинган матн.
TM Manager (TMM)	бу таржимонга ёрдам сифатида ишлаб чиқилган маҳсус дастур бўлиб, маълумотлар базасида маҳсус термин ва матн сегментлари сақланади. Қоидага кўра, такрорланиб турадиган маҳсус термин ва фразаларга бой катта ҳажмдаги ҳужжатни таржима қилишда ТМдан фойдаланиш талаб қилинади.
Translation Memory (TM)	аслият матни маъноси билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва фақат сўзлар йигиндисини берадиган автоматик таржимонлар ёрдамида бажариладиган механик таржима
Гипертекст	биринчи марта комъютер лингвистикасида пайдо бўлган. Ҳаволалар орқали катта матнлар ёки ҳаволаларга ўтиш.
Коммуникатив компетенция	индивиднинг умумий компетенцияси унсурлари билан ўзаро боғлиқ бўлган ва индивид учун нутқ фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш имконини берувчи лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар комплекси сифатида белгиланиши мумкин
Тил	бу тил бирликлари функциясининг тизимли қоидаларини

компетенцияси	билишгина эмас, балки нутқ малакаси даражасида тил материалини билиш, яъни муайян мазмунни ифодаловчи гапларни тўғри тузиш
Таржимонлик компетенцияси	барча ҳолатларда ҳам эмас, балки муайян мавзудаги, аниқ бир стилистик жанрдаги матнларни таржима қилишдаги билим, малака ва кўникма, таржимонга мақбул бўлган таржима усулларини прагматик компоненти сифатида тавсифлаш мумкин
Шахсий компетенция	ихтисослик бўйича матнлар профессионал таржи-монлар гурухи қадрий ориентацияси ва менталитетига кириб бориш
Техник компетенция	таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли ҳил вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалари киради

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрь “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Введение в теорию и практику перевода: учеб. пособие / А.Я. Алексеев, Я.В. Бойко, Т.Ю. Введенская, Т.Н. Высоцкая, Л.В. Фомина; под общ. ред. Т.Ю Введенской; М-во образования и науки Украины, Нац. горн. ун-т. – Днепро : НГУ, 2017. – 191 с.
2. Федоров А. В. Введение в теорию перевода. М.: Изд-во лит. на иностр. яз., 1953. 336 с.
3. Комиссаров В. Н. Теория перевода : (Лингвистические аспекты). М. : Высш. шк., 1990. 253 с
4. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение: курс лекций / В. Н. Комиссаров. М.: ЭТС, 1999. 192 с.
5. Комиссаров В. Н. Теория перевода: (Лингвистические аспекты) / В. Н. Комиссаров. М.: Высш. шк., 1990. 253 с
6. Латышев Л. К. Перевод: проблемы теории, практики и методики преподавания. М. : Просвещение, 1981
7. Швейцер А. Д. Перевод и лингвистика: (Газетно-информационный и военно-публицистический перевод). М.: Воениздат, 1973. 310 с.
8. Швейцер А. Д. Теория перевода: Статус. Проблемы. Аспекты. 2-е изд. М.: Книж. дом «ЛИБРОКОМ», 2009. 216 с.
9. Melby, A. Lommel, A. Rasmussen, N. Housley, J. (2011): “The Container project: Towards an open nonproprietary format for packaging translation materials”.
10. Rensburg, A. v. Snyman, C. L. (2012): “Applying Google Translate in a higher education environment: translation products assessed”. Southern African Linguistics and Applied Languages Studies 30.4, 511-524.